

ГЛОБАЛ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА РИСКЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори
E-mail: karimjon71@mail.ru

Холов Ақтам Хатамович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси доценти, PhD
E-mail: aktam-xolov@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада глобал пандемия шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолаш масаласи тадқиқ этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилишда риск омилларини ҳисобга олишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Бошқарув қарорлари, рискларни баҳолаш, рискларни бошқариш, бошқарув фаолияти, риск омиллари.

Аннотация: В статье исследуется проблема оценки риска принятия управленческих решений в условиях глобальной пандемии. Разработаны предложения и рекомендации для учета факторов риска при принятии управленческих решений в органах государственной власти на местах в Узбекистане.

Ключевые слова: управленческие решения, оценка рисков, управление рисками, управленческая деятельность, факторы риска.

Abstract: The article examines the problem of assessing the risk of making management decisions in a global pandemic. Proposals and recommendations have been developed to take into account risk factors when making managerial decisions in local government bodies in Uzbekistan.

Key words: management decisions, risk assessment, risk management, management activities, risk factors.

Кириш

Глобал пандемия шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги кескин ўзгаришлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ статистик маълумотларни етишмаслиги, оптимал қарорлар қабул қилиш имкониятини чеклайди ва мазкур ҳолат бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолашни тақозо этади. Дунё ҳамжамиятида бўладиган ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатига таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар натижадорликка ва самарадорликка йўналтирилган бўлиши керак.

Бугунги кунда давлат бошқарувининг барча бўғинларида қабул қилинаётган қарорлар натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолаб бориш тизими жорий этилмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қабул қилинаётган қарор

натижалари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан маълум бир индикаторлар асосида баҳоланмоқда. Бироқ қабул қилинаётган қарорлар оқибати, уларда мавжуд рискларни баҳолашнинг замонавий усул ва услублари ҳали тўлиқ жорий этилгани йўқ. Масалан, Адлия органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича 2019 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботни таҳлил қиладиган бўлсак, “давлат органлари ва ташкилотларининг 32 та ҳужжатлари ва 3 та ҳоким қарори бекор қилинган” [1]. Мазкур ҳолат давлат идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган бошқарув қарорлари рискин баҳолаш, уларни оқибатларини тизимли таҳлил қилишни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва «ақлли» бошқарув принципларини босқичма-босқич жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 959-сон қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига “бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурларига илғор давлат менежменти, шу жумладан стратегик менежмент, риск менежменти ҳамда «ақлли» бошқарув принципларининг замонавий усулларини ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш” [2] вазифаси юклатилган. Шу нуқтаи назардан ҳам глобал пандемия шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолаш тизимини танқидий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирги замонавий менежмент фанида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолашга доир турли қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, и.ф.д., проф. Ш.Д.Эргашходжаева ўз дарслик ва ўқув қўлланмаларида “Рискларни мантиқий шкала ёки баллар тизимидан фойдаланиб баҳолаш мумкин. Рискларни баҳолаш бўйича кўпчилик услубиётлар айнан балли тизим бўйича ташкил этилади: эксперт рисклар гуруҳидан ҳар бири бўйича ёки алоҳида гуруҳдан ҳар бир риск бўйича белгиланган миқдорда баллар қўяди, сўнгра рисклар ўлчанади ва лойиҳа рискининг умумий баҳоси чиқарилади. Ушбу баҳо асосида лойиҳанинг риск гуруҳи ҳақида ва уни молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Лойиҳа рискининг баҳоси лойиҳа бўйича ҳисоб-китобларда акс эттирилиши шарт: лойиҳанинг барча кўрсаткичлари рискни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиб ҳисоблаб чиқилган бўлиши лозим” [3] деб таъкидлайди.

Иқтисодчи олимлар Н.Ғ.Каримов ва Р.Х.Хожиматовлар “Рискни баҳолаш - бу рискни турлари билан боғлиқ, қайсики рискни бошқаришни биринчи босқичида аниқланган сонли ҳаражатларни аниқлашдир. Рискни аниқлаш ва уни баҳолаш босқичлари рискни таҳлили деб, ҳам аталади. Бунда рискни аниқлаш сифат таҳлилига, рискни баҳолаш миқдор таҳлилига киради” [4] деган фикрни илгари суришади.

Ёш тадқиқотчи З.У.Хамидова “Рискларни баҳолаш рискларнинг хилма-хиллиги ва омилларини кузатиш ҳамда уларнинг миқдорий баҳоланиши бўйича тизимли иш фаолиятидир, яъни, рискларни баҳолаш, тамойили иккита, кўрсаткичнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни назарда тутати” деган ўз қарашларини илгари сўради [5].

Иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Ҳайдаров “Рискларни баҳолаш жараёни бешта қадамдан иборатлигини таъкидлайди, яъни 1-қадам - риск категорияларини аниқлаш; 2-қадам - қандай рисклар баҳолашни белгилаш (риск омилларини аниқлаш); 3-қадам - риск мезонларини аниқлаш; 4-қадам - рискнинг муҳим омиллари ва мезонларига балл бериш (сифат жиҳатдан баҳолаш); 5-қадам - турлича аҳамиятли рискларни баҳолаш натижаларини таснифлашдан иборат” [6].

Тула давлат университети профессор-ўқитувчилари Т.А.Елисеева, Е.В.Плахотникова ва С.И.Соловьёвлар бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолашда эксперт усулидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда “рискга йўналтирилган фикрлаш (ISO 9000: 2015 "Сифат менежменти тизимлари) каби замонавий усулларни қўлашни тавсия этишади [7]. Ушбу стандартлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолаш ISO 9000:2015 серияли стандартлари талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимларидан фойдаланишни тақозо этади.

Замонавий менежмент фани қонуниятларига кўра рискларни баҳолашда эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Лекин вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлар фаолиятида оператив қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолашда эксперт баҳолаш усулидан самарали фойдаланиш вақт нуқтаи назардан чекланган, шу нуқтани назардан ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти оранларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолашга кўмаклашувчи дастурий таъминотлар (ЭХМ дастурлари) яратиш мақсадга мувофиқ.

«Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар университети профессори А.В.Тебекин риск шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш масалаларини монографик таҳлил қилиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда ташқи ва ички муҳит таъсирини баҳолаш, шунингдек, ноаниқлик ва риск шароитида бошқарув қарорларини қабул қилиш шакллари ва усуллари хусусида фикр юритган [8]. Мазкур қарашлар ва ёндашувлар глобал пандемия шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарор қабул қилиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларни ўзида акс эттиради.

Россиялик иқтисодчи олимлар М.А.Бетилгириев ва Х.Г.Косумова инвестицион қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолаш масаласини тадқиқ этиб, мазкур соҳада бошқарув қарорларини қабул қилишда “макроиқтисодий кўрсаткичлар”, “микроиқтисодий кўрсаткичлар” ва “институционал кўрсаткичлар”ни ҳисобга олиш кераклигини, инвестицион қарорлар қабул қилишда динамик ва статик рискларни алоҳида баҳолашни таклиф этишади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолашда статистик таҳлил, ҳаражатларни мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, аналогия ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланиш самарали эканлигини таъкидлашади [9].

Чехиялик тадқиқотчилар Р.Мышкова ва В.Доупалова қарор қабул қилишда кичик бизнесда рискларни бошқариш ва баҳолаш масаласини ўрганиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда рискни юзага келиш эҳтимоли ва таъсир ҳажми жиҳатдан баҳолаш усуллари тавсия этишган [10]. Шунингдек, ташкилот ва корхоналарда бошқарув қарорларини қабул қилишда эҳтимоли мавжуд рискларни руйхатини шакллантиришни таклиф этишган (1-жадвал).

Ташкилот (корхона)да рискларни баҳолашга ёндашувлар

	Рискнинг юқори эҳтимоли	Рискнинг паст эҳтимоли
Таъсирнинг юқори даражаси	Рискдан қочиш, камайтириш	Суғурта қилиш
Таъсирнинг паст даражаси	Камайтириш ёки тўхтатиб туриш	Рискларни тўхтатиб туриш

Швециялик олим Пер Нэсман рискларни таҳлил қилишни қарор қабул қилишнинг инструменти сифатида ўрганган [11]. Ўз изланиш ва қарашларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни таҳлил қилишнинг бешта асосий босқичини кўрсатиб ўтилади: 1) рискни аниқлаш; 2) рискларни ҳисобга олиш (белгилаш); 3) рискларни идрок этиш; 4) рискларни баҳолаш; 5) қарор қабул қилиш.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини менежмент фанининг фундаментал қонуниятлари, бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолаш тизимлари, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолаш ва бошқаришга доир тадқиқот олиб борган хориж ва Ўзбекистонлик олимлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маъруза ва нутқлари ташкил қилади. Мазкур тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, институционал таҳлил, контент таҳлил, функционал таҳлил, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларини баҳолаш, бошқарув қарорлари натижадорлиги ва самарадорлигини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг назарий аҳамияти шундаки, мақолада илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан “Стратегик менежменти”, “Тизимли таҳлил”, “Маҳаллий бошқарув”, “Бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиялари” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Глобал пандемия шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қабул қилинаётган бошқарув қарорлари рискларини баҳолаш, рискларнинг хилма-хиллиги ва омилларини кузатиш ҳамда уларнинг миқдорий баҳоланиши бўйича тизимли иш фаолиятини ташкил қилш муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқарув бўғинида барча органларида қабул қилинаётган қарорлар инсон манфаатларига хизмат қилиши керак, шунинг учун қабул қилинаётган қарорлар салбий оқибатларини олдини олиш учун ундаги рисклар баҳоланиши лозим. Замонавий менежмент фанида рискларни баҳолаш бўйича кўплаб усуллар ишлаб чиқилган ва илмий асослаб берилган. Ушбу усулларни қуйидаги иккита гуруҳга ажратишимиз мумкин: 1) Рискларни баҳолашнинг статистик методлари: даромадлиликнинг стандарт четланиши (σ); Value at Risk методи; CVaR методи. 2) Рискларни баҳолашнинг эксперт методлари: рейтинг методлари; баллик методлар; Дельфи методи [12].

Кўп ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар рисклар баҳоланмаётганлиги сабабли, оғир ижтимоий-

иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий оқибатлар (коррупция)га олиб келмоқда. “2020 йилнинг 9 ой давомида ҳокимлар қабул қилган 799 та норматив тусга эга қарорларнинг 57 таси, яъни 8 фоизи расмий нашрларда эълон қилинмаган. Бу кўрсаткич Жиззах вилоятида (54-44) 19 фоизни, Хоразм вилоятида (41-35) 15 фоизни ва Тошкент вилоятида (51-40) 8 фоизни ташкил қилган.

Биргина 2020 йилнинг 9 ойида Адлия органлари киритган тақдимномаларга асосан жами 170 та, жумладан; Қашқадарёда 44 та, Самарқандда 36 та, Сурхондарёда 21 та, Хоразм 20 та, Бухоро, Жиззах ва Андижонда 8 тадан, Тошкент вилоятида 3 та, Тошкент шаҳрида 2 та, Фарғонада 1 та, Сирдарёда 1 та ҳокимнинг норматив тусдаги қарорлари қонунчиликка зидлиги сабабли бекор қилинган” [13].

Мазкур муаммони бартраф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори қабул қилинган бўлиб, ундан кўзланган мақсад маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларни қабул қилиш жараёнларининг соддалаштириш, очиқлик ва шаффофлигини таъминланмаганлиги ҳамда ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдан иборат. Мазкур қарорга кўра 2021 йил 1 январга қадар синов тариқасида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон - «E-qaror» тизимини ишга тушириш белгиланган (2-жадвал).

2-жадвал

«E-qaror» электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш (имзолаш) ва киритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ариза билан мурожаат қилади	Заруратга кўра
2-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул бўлинмасы	1. «E-qaror» электрон тизимига белгиланган тартибда аризани кирим қилади, иш юритувига қабул қилади. 2. Аризани масъул таркибий бўлинма ёки ҳудудий давлат органига (кейинги ўринларда - лойиҳани ишлаб чиқувчи) юборади.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Қарор лойиҳасини ишлаб чиқади. 2. Лойиҳани «E-qaror» электрон тизими орқали манфаатдор ҳудудий давлат органлари билан келишади.	Белгиланган муддатларда
4-босқич	Манфаатдор ҳудудий давлат органлари	1. Қарор лойиҳасини «E-qaror» электрон тизими орқали иш юритувига белгиланган тартибда қабул қилади. 2. Белгиланган тартибда лойиҳани кўриб чиқади. 3. Қарор лойиҳасини келишади (виза қўяди) ёки зарурат бўлганда қарор лойиҳасини ишлаб чиқувчига белгиланган тартибда уни «E-qaror» электрон тизими орқали янада такомиллаштириш учун қайтаради. 4. Имзоланган қарор лойиҳасини лойиҳани ишлаб чиқувчига юборади.	Белгиланган муддатларда

5-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	1. Имзоланган қарор лойиҳасини «E-qaror» электрон тизимидан олади. Қарор лойиҳасини манфаатдор ҳудудий давлат органининг тегишли ҳулосасини ҳисобга олган ҳолда (зарур ҳолларда) яқуний кўриб чиқади. Электрон шаклда «E-qaror» электрон тизими орқали тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг юридик хизматига киритади.	Белгиланган муддатларда
6-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи юридик хизмати	1. Қарор лойиҳасини «E-qaror» электрон тизими орқали иш юритувиги белгиланган тартибда қабул қилади. 2. Қарор лойиҳасини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқади (агар зарур бўлса). 3. Қарор лойиҳасини имзолаш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбарига киритади.	Белгиланган муддатларда
7-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари	1. Қарор лойиҳасини «E-qaror» электрон тизими орқали қабул қилади. 2. Қарор лойиҳасини имзолаш ёки белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш учун юридик хизматга қайтаради. 3. Имзоланган қарорни «E-qaror» электрон тизими орқали маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг умумий бўлимига эълон қилиш учун юборади.	Белгиланган муддатларда
8-босқич	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг масъул таркибий бўлинмаси	1. Имзоланган қарорни «E-qaror» электрон тизими орқали қабул қилиб олади. 2. Қарорни мажбурий тартибда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органнинг ўз расмий-веб сайтида эълон қилади.	Белгиланган муддатларда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 218-сон қарори. / <https://lex.uz/ru/docs/4787645>

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон - «E-qaror» тизимини ишга туширилиши, мазкур соҳани рақамлаштиришга қуйилган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Лекин мазкур тизимга қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида рискларни баҳолаш инструментларини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бугунги дунёда кечаётган глобал пандемия шароитида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларни натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг ягона манба бу қарор лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончилиги, ўз вақтидалиги ва мавжуд рискларни баҳоланишига боғлиқ. Бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни бошқариш ва баҳолаш жараёнида давлат фуқаролик хизматчилари қуйидаги тамойилларга амал қилиши муҳим:

- риск категориясини тўғри белгилаш;
- риск турларини тўғри англаш;
- риск таъсир кўламини тўғри баҳолаш;
- рискларни вужудга келтирувчи омилларни таҳлил қилиш;
- рискларни баҳолашда комплекс ёндашув;
- риск даражасини рентабеллик даражаси билан таққослаш;
- қарорнинг ташкилот стратегияси (мақсадлари)га мувофиқлигини текшириш;
- риск даражаси ва таъсирини ташкилотнинг молиявий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий имкониятлари билан таққослаш.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги түб ўзгаришлар, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегияси устувор йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан боғлиқ. Лекин баъзи ҳудудларда ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижроси таъминланмаётганлиги ёки амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда қабул қилинаётганлигини куришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳар бир қабул қилинаётган қарорлар танқидий таҳлил асосида амалга оширилиши лозим. Шунинг учун Президентимиз Ш.Мирзиёев “Марказдаги раҳбарлар қарорлар қабул қилишда ҳокимларнинг умумий ҳисоботлари билан кифояланиб қолаётгани танқид қилиниб, бундан буён ҳудудларга оид ҳар бир масалани аниқ туман, қишлоқ, маҳалла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг энг қўйидаги илдизига тушиб, уни ҳал қилиш зарурлигини таъкидлади. Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бошлаш, қайси қишлоқда қайси йўналишни ривожлантириш, бунга қанча маблағ ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талабини қўйди” [14].

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари нафақат глобал пандемия шароитида, балки бутун фаолияти давоми бошқарув қарорлари лойиҳаларини ҳокимлик сайтига муҳокамага қўйиш орқали улардаги рискларни баҳолаш тизимини жорий этишда қўйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Қабул қилинаётган қарорлар механизмларини ишлаб чиқишда риск омилларини ҳисобга олиш, мазкур жараёнга мутахассис экспертларни жалб этиш мақсадга мувофиқ;

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни ретроспектив таҳлилин асосида амалга ошириш, истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олиш имкониятини беради;

3. Давлат бошқарувининг барча бўғинида бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни комплекс (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, экологик, молиявий ва ҳакозо) баҳолаш мақсадга мувофиқ;

4. Бошқарув қарорлар қабул қилишда рискларни баҳолашга кўмаклашувчи дастурий таъминотлар (RA2 art of risk, vsRisk, CRAMM, RiskWatch, Proteus)ни жорий этиш ва ишлаб чиқиш лозим;

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият юритувчи ходимлар учун қисқа муддатли рискларни баҳолаш усул (“Зарарсизлик нуқтасини аниқлаш усули”, DEA (Data Envelope Analysis), CAMEL (Capital, Assets, Management quality, Earnings and Liquidity), “Лойиҳа барқарорлигини текшириш усули”, “Монте-Карло” усули”, “Рискларни ҳисобга олувчи фоиз ставкалар усули” ва ҳакозо)лари бўйича ўқув курсларни ташкили этиш;

6. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан қарорлар қабул қилишда турли даражаларда ўзаро боғланган ва ички жиҳатдан кетма-кет бўлган маълум вазифаларга тегишли рискларни идентификациялаш ҳамда таҳлил қилиш.

7. Бошқарув қарорларини қабул қилишда риск манбаларини аниқлаш ва гуруҳлаш, ҳар бир рискнинг бошқарув қарорларига таъсир кўрсатиш эҳтимоли, табиати, риск соҳасини баҳолаш, рискнинг пайдо бўлиш вақтини, давомийлигини ва амал қилиш даврийлигини белгилаш, рискларни камайитириш чораларини белгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

8. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларда бўладиган ўзгаришларни олдиндан таҳлил қилиб боришлари, истиқболда қабул қилинадиган қарорлар рискин баҳолаш имконияти беради;

9. Бошқарув қарорларини қабул қилишда рискларни баҳолашга таъсир этувчи омиллардан бири, қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ахборотларнинг

тўлиқлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам вилоят, шаҳар ва туман ҳоқимлари «Hudud» ахборот тизими (<http://hudud.gov.uz>) орқали тезкор ва сифатли ахборотлар олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://www.minjust.uz/uz/about/statistics/>
2. <https://lex.uz/docs/4621111?query=%D1%80%D0%B8%D1%81%D0%BA&exact=1>
3. Эргашходжаева Ш.Д. Инновацион маркетинг. Дарслик. –Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2014. –69 бет.
4. Н.Ф. Каримов, Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. -699 б
5. З.У.Хамидова. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятида рискларни бошқариш. // "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 12-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь, 2020 йил. Тошкент.: Tadqiqot, 2020. 77 бет.
6. М.Ҳайдаров. Бюджет ташкилотларида ички аудитни ташкил қилишда рискларни баҳолаш моҳияти. // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы № 2, 2013. 62 бет.
7. Т.А. Елисеева, Е.В. Плахотникова, С.И. Соловьёв. Анализ рисков принятия управленческих решений при использовании экспертных методов оценки надежности. // Инженерный вестник Дона, №3 (2016)/ ivdon.ru/ru/magazine/archive/n3y2016/3681
8. А.В. Тебекин. Принятие управленческих решений в условиях риска : монография / А.В. Тебекин. — Москва : РУСАЙНС, 2018. — 110 с.
9. Оцка рисков в процессе принятия инвестиционных решений // Экономический вестник Ростовского государственного университета 2010 Том 8 № 1 (часть 3) 82 стр.
10. Renáta Myšková, Veronika Doupalová. Approach to Risk Management Decision-Making in the Small Business. // Procedia Economics and Finance 34 (2015) 329 – 336/ <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2212567115016378>
11. Risk analysis a tool in decision-making. University dissertation from Stockholm: KTH. Author: Per Näsman; [2005] // <https://www.diva-portal.org/smash/get/diva2:14614/FULLTEXT01.pdf>
12. М.Р. Зокиржонов Корхоналарда молиявий рискларни баҳолаш методлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил.
13. А.Очилов. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги қарорларини Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.uz)да эълон қилиш: муаммо ва ечим. // <http://uza.uz/oz/society/ma-alliy-davlat-okimiyati-organlarining-normativ-tusdagi-aro-08-10-2020>
14. Ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилди // <https://president.uz/uz/lists/view/3554>